

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЧИЛОВА САНОБАР САБИРОВНА**

**РАҶОБАТБАРДОШ МАРГАРИН ОЛИШ УЧУН САЛОМАСНИ  
РАФИНАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ачилова Санобар Сабировна**

Рақобатбардош маргарин олиш учун саломасни рафинациялаш жараёнининг замонавий технологияси .....	3
--	---

**Ачилова Санобар Сабировна**

Современная технология процесса рафинации саломаса с получением конкурентоспособных маргаринов .....	21
--	----

**Achilova Sanobar Sabirovna**

Modern technology of the process of refining hydrogenated oil in order to obtain competitive margarine .....	39
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works .....	43
-------------------------------	----

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.T.04.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЧИЛОВА САНОБАР САБИРОВНА**

**РАҶОБАТБАРДОШ МАРГАРИН ОЛИШ УЧУН САЛОМАСНИ  
РАФИНАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияда B2019.2.PhD/T1069 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш саҳифасида ([ik-kimyo.nau.edu.uz](http://ik-kimyo.nau.edu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзибоев Акбарави Турсунбоевич  
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович  
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Обиджон Қодирович  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 ракамли Илмий Кенгашининг 2021 йил 2 12 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-й. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил 11 11 куни тарқатилди.  
(2021 йил 11 11 даги № \_\_\_\_ ракамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
Кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И.Кадиров  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
Кенгаш хотиби, т.ф.д., профессор

К.О.Долаев  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
Кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда ўсимлик мойларини дисперс никел катализаторларида даврий ва узлуксиз гидрогенлаш орқали маргаринишлаб чиқариш йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга ўсимлик мойларини водород билан тўйинтириш жараёнларини такомиллаштириш, таркибиизомерлар, бирламчи ва иккиламчи оксидланиш маҳсулотлари, заҳарли ва канцероген хусусиятларга эга бўлган моддалардан ҳоли саломаслар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият эга ҳисобланади.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларида қўлланадиган саломасларнинг таркибидаги эркин ёғ кислоталари, оксидланиш маҳсулотлари, диен бирикмалари ва бошқаларни дистилляциялаш ёки кимёвий ишқорий нейтраллаш йўли билан рафинациялаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, саломас синтетик фильтрловчи материаллар ва гил-қўмир минералларидан иборат бўлган дренаж қатламлар орқали ўтказилиб, таркибидаги гидрогенлаш катализаторини соапсток билан чиқариш ва бунинг натижасида металлардан максимал даражада ҳалос бўлишга алоҳида эътибор берилади.

Республикада замонавий техник воситалар ва маҳаллий фильтрловчи материаллардан фойдаланиб маргаринлар ишлаб чиқаришда қўлланадиган саломаслар сифатини ошириш соҳасида маълум илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш орқали, маҳаллий хомашёни чукур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва технологияларни ўзлаштириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, рақобатбардош маргаринлар олиш билан саломасларни рафинациялашнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқишини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сонли «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизmlарини жорий этиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли «2015-2020 йй даврида Ўзбекистон Республикаси ахолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўсимлик мойларини озиқ-овқат мақсадларида самарали қайта ишлаш учун саломас олишда қўлланадиган хом ашё таркиби ва ундаги канцероген моддаларнинг қолдиклари (оксидланиш, изомерланиш ҳосилалари ва б.) хусусиятларини чуқур ўрганиш бўйича S.Lio, A.Kaufman, A.Rozali, Б.Н.Тютюнников, А.Г.Сергеев, Н.Л.Меламуд, Д.В.Сокольский, К.А.Жубанов, А.И.Глущенкова, А.Л.Маркман, А.А.Абдураҳимов, Ю.К.Қодиров, С.А.Абдураҳимов, К.Х.Мажидов, И.Б.Исабаев ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан ўсимлик мойларини гидрогенлаш учун катализаторларнинг янги турларини яратиш, маргарин рецептини такомиллаштиришда саломас, пахта пальмитини, переэтерификацияланган ёғлар, пальма мойи, кунгабоқар ва пахта мойларини қўллаш, саломаслар таркибидаги турли канцероген моддаларнинг хусусиятларини чуқур ўрганиш бўйича тадқиқотлар тавсия этилган. Гидрогенланган саломасни рафинациялаш асосида маргарин саноати ёғларини ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, саломасларни рафинациялаш, юқори дисперсли никель катализаторларида ўсимлик ёғларини гидрогенлаш технологияси такомиллаштириш, таркиби изомерлар, бирламчи ва иккиламчи оксидланиш маҳсулотлари, заҳарли ва канцероген хусусиятларга эга бўлган моддалардан ҳоли саломаслар ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети ва Тошкент кимё-технология институтларининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ППИ-11-01 «Юқори сифатли ва кенгайтирилган ассортиментдаги маргаринлар олиш технологиясини ишлаб чиқиши» (2018 - 2021 йй.), №АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хомашёлар асосида функционал қўшимчалар билан бойитилган пархезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиши» (2020 - 2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рақобатбардош маргаринлар олиш билан саломасларни рафинациялашнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Урганч ёғ-мой» АЖда олинган ўсимлик мойлари, саломаслар ва маргарин таркибини ва хусусиятларини аниклаш;

турли мақсаддаги маргаринларни олишга йўналтирилган саломаслар таркибидаги заарли токсикологик ва канцероген моддаларнинг таркибини аниклаш;

озиқа саломасини нейтраллаш учун самарали ишқорий реагентни танлаш ва анъанавий каустик сода ўрнига натрий силикатнинг сувли эритмаси билан озиқа саломасларни нейтраллаш технологиясини аниқлаш;

саломасни янги фильтровчи материалларда озиқа саломасини нейтраллашдан олдинги ва кейинги фильтрлаш жараёнларини аниқлаш;

рақобатбардош маргаринлар олиш билан саломасларни рафинациялаш жараёнининг замонавий технологиясини ишлаб чиқиши;

рақобатбардош маргаринлар олиш билан ишлаб чиқилган саломасларни рафинациялаш жараёнининг технологиясини жорий этишнинг техник-иктисодий самарадорликни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида ўсимлик мойлари (пахта, кунгабоқар ва б.), озиқа саломаслари ва уларнинг асосида тайёрланган маргаринлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** озиқа саломасларини ишқорий нейтраллаш ва уларни фильтрлаш жараёнлари ҳамда олинадиган маҳсулотлар сифатининг технологик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ўзгаришининг асосий қонуниятларини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида замонавий физик, кимёвий ва физик-кимёвий усуллар (ИК, ГСХ, ЮҚХ) ва олинган тажриба натижаларини статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

гидрогенлашга берилаётган ўсимлик мойларининг таркибидаги учацилглицеридларнинг ҳамроҳ моддалари(СЁК, совунланмайдиган моддалар, никелнинг қолдиқлари, госсипол ва унинг ҳосилалари) олинадиган маргаринларнинг сифатини ҳамда озиқавий хавфсизлигини пасайтириши аниқланган;

ўсимлик мойларини гидрогенлаш жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган талабларга мос келмайдиган токсик ва канцероген моддаларнинг янги турлари (госсипол ҳосилалари, олеин кислота транс изомерлари, диен бирикмалар ва б.) ни ҳосил бўлиши аниқланган;

саломасни ишқорий рафинациялаш жараёнида натрий гидроксид эритмаси ўрнига натрий силикатни сувли эритмаси қўлланганда нейтралланган ёғни чиқиши 95%дан 98%гача ортиши ва қолдиқ никель миқдори 0,07мг/кгдан 0,04 мг/кггача камайиши аниқланган ва уларни қўллаш имконияти асосланган;

саломасни фильтрлаш жараёнида, таклиф этилаётган флизелин иштироқидаги композицияни қўллаш фильтрлаш унумдорлигини 1,6-2,0 марта ошириши исботланган;

иккиламчи реагентлар ва фильтровчи материалларнинг сарфини 2-3 баробар камайтиришга имкон берадиган озиқа саломасини нейтраллаш ва фильтрлашнинг технологик режими ишлаб чиқилган;

фильтр пресслар учун дренаж қатлами сифатида фильтровчи синтетик материаллар билан бирга беш ҳил махаллий гил минералларидан фойдаланиш ва Навбаҳор ишқорли бентонитининг самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

натрий силикатнинг сувли эритмаси ёрдамида саломасни нейтраллашнинг замонавий технологияси ишлаб чиқилган;

саломасни соапстокдан ва бошланғич ўсимлик мойларига ҳамроҳ бўладиган ёғиз моддалардан ажратиш учун фильтровчи материаллари танланган;

танланган маҳаллий фильтровчи материалларда саломасларни фильтрлаш технологик режимлари ишлаб чиқилган;

сифати яхшиланган озиқа саломасларини қўллаб ишлаб чиқариладиган маргарин ассортиментлари кенгайтириш жараёнлари орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўсимлик мойлари ва саломасларнитаҳлил қилишда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларидан фойдаланиш, олинган тадқиқот натижаларини ЭҲМ ва маълумотларни статистик қайта ишлашнинг маҳсус дастурларини қўллаш, шунингдек тадқиқот натижаларини «Урганч ёғ-мой» АЖда саноат-тажриба синовлари билан тасдиқлаш орқали исботланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рақобатбардош маргаринларни олиш учун озиқа саломасларни тозалашнинг замонавий технологияси ишлаб чиқилиб, рафинациялашда ишқорий реагент сифатида анъанавий каустик сода ўрнига натрий силикатнинг сувли эритмаларидан ҳамда фильтрлашда дренаж қатлами сифатида маҳаллий гил минераллари ва кўмири аралашмаларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат-тажриба синови ва турли мақсадлар учун яхшиланган саломасларни маргаринлар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, саломасни рафинациялашда ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишга ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашга имкон берувчи маҳаллий ноанъанавий реагент ва хомашёлардан фойдаланишга хизмат қиласди.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Рақобатбардош маргаринларни олиш учун саломасларни рафинациялашнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқиши бўйича олинган натижалар асосида:

саломасларни ишқорий рафинациялаш технологияси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 августдаги КС-3-747-сон маълумотномаси). Натижада, анъанавий каустик сода ўрнига натрий силикатнинг сувли эритмаси ёрдамида рафинацияланган саломас чиқишини, хом ашёнинг умумий массасига нисбатан 3-5 фоизга ошириш имконини берган;

озиқа саломасини фильтрлашда анъанавий пахта белътинг матоси ўрнига синтетик материаллар (лавсан ва флезелин) ни қўллаш технологияси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 августдаги КС-3-747-сон маълумотномаси). Натижада, рамали фильтр прессда озиқа саломасларини фильтрлаш вақтини узайтириш, металл қолдиқлари ва мумсимон қатрон моддалар миқдорини камайтириш имконини берган.

маҳаллий хом ашёлар (натрий силикат, синтетик материал ва гил минераллари) ни қўллаб, рақобатбардош маргаринларни олиш технологияси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 16 августдаги КС-3-747-сон маълумотномаси). Натижада, физик-кимёвий ва реологик хусусиятлари яхшиланган рақобатбардош маргаринларни олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари юзасидан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-техник конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 116 бетни ташкил этади .

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот обьекти ва предметини тавсифланган, тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги қўрсатилган, илмий-тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Озиқа саломасларини нейтраллаш ва уларни фильтрлашнинг замонавий ҳолати» деб номланган биринчи бобида юқори сифатли маҳаллий озиқа саломаси ва ўсимлик мойларидан фойдаланган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиладиган рақобатбардош маргаринларни олиш технологияларини такомиллаштириш бўйича ишларга умумий тавсиф берилган. Маргаринлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ўсимлик мойлари ва озиқа саломасларининг физик-кимёвий хусусиятлари, шунингдек маҳаллий материаллардан ишлаб чиқариладиган фильтрлаш воситалари ва гил минераллари бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.


**Диссертация ишининг «Озиқа саломасларини рафинациялаш ва фильтрлашдан олдин ва кейин уларни таҳлил қилиш усуллари ҳамда уларни амалга ошириш учун лаборатория қурилмаларининг тавсифлари»** деб номланган иккинчи бобида танланган ўсимлик мойлари, озиқа

саломасларини рафинациялаш ва фильтрлашдан олдин ва кейин таҳлили усуллари келтирилган. Реал жараёнларга мослигини аниқлаш учун зарур бўлган таҳлил ва ўлчов натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича материаллар, шунингдек олинган саломасларни фильтрлаш пайтида дренаж зоналари кўрсаткичларини ўрганиш учун танланган маҳаллий гил минералларнинг таҳлил натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу боб тадқиқотнинг асосий натижалари тўпланган хуносалар билан якунланади.


Диссертациянинг «Озиқа саломасларини ишқорий рафинациялаш ва фильтрлаш жараёнларининг тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида, ишқорий рафинациялаш ва дренаж қатлами сифатида маҳаллий ишқорий эритмалар ва синтетик материаллар, шунингдек гил минераллардан фойдаланган ҳолда саломасларни фильтр прессларида фильтрлаш жараёнларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Биз тадқиқот ишимизда никель-мис катализаторларини тайёрлашда асосий компонентлар сифатида никель ва мис тузларидан фойдаландик. Олинган катализаторларчўқмаларининг оксидланиши  $150-175^{\circ}\text{C}$  да кислород билан бойитилган ҳавода 8-10 соат давомида амалга оширилган. Дисперс катализаторларнинг гидрогенлаш фаоллигини тиклаш анъанавий усуллар билан амалга оширилган.

1-расмда дисперс никель-мис катализаторларининг гидрогенлаш ва переэтерификациялаш фаоллигининг ишлатилган металларнинг ўзаро нисбатининг ўзгаришига қараб ўзгариши кўрсатилган.



**1-расм. Дисперс никель-мис катализаторидаги никель миқдорига қараб гидрогенлаш (1) ва переэтерификациялаш (2) фаолликларининг ўзгаришлари**



**2-расм. Никель-мис катализаторларининг атмосферадаги кислород билан оксидланиш вақтига (τ) қараб, гидрогенлаш (1) ва переэтерификациялаш (2) фаолликларининг ўзгаришлари**

1-расмдан кўриниб турибдики, никель-мис катализатори таркибида никель миқдори ортиши билан гидрогенлаш фаоллиги тўғри чизиқли қонуниятга яқин ўсиб боради ва никелнинг переэтерификациялаш хусусияти эса дастлаб 0 дан


50% гача экспоненциал ўсиб боради, кейин худди шу қонуниятга биноан, 30% гача тушади. Бу шуни кўрсатадики, переэтерификациялаш хусусияти никель ва мисдан тенг миқдорда фойдаланишиңни тақозо этади.

Кейинги тажрибаларда биз никель ва миснинг оксидланиш даражасининг ўзгаришини уларга кислород билан ишлов бериш вақтига боғлиқлигини ўрганиб чиқдик. Тажрибалар, юқорида кўрсатилган, металларнинг турли нисбатида никель-мис катализаторларига ишлов бериш шароитларига мувофиқ амалга оширилди (2-расм).


2-расмдан кўринадики, металларнинг ўзаро нисбати 1:1 бўлганда чўктирилган дисперс никель-мис катализаторларининг оксидланиш вақти ортиши билан гидрогенлаш фаоллиги (1-эгри чизик) 10-соатгача бироз пасаяди ва кейин 35-40% гача кескин тушиб кетади, переэтерификациялаш фаоллиги (2-эгри чизик) экспоненциал қонуниятга биноан ишлов беришнинг 10-соатигача кескин ошади ва оксидланиш жараёнининг биринчи ярмига нисбатан анча секин ўсади. Бу ҳолат триацилглицеридлар таркибидаги ёғ кислоталарининг переэтерификацияси учун никель-мис катализаторини 10-12 соат давомида оксидлаш кифоя эканлигини кўрсатади.

Буни инобатга олган ҳолда, биз ушбу кўрсаткичларни олинган рафинацияланмаган саломаслар бўйича таҳлил қилдик ва уларни металларнинг нисбати 1:1 бўлган амалдаги никель-мис катализаторида олинган саломаслар билан таққосладик.

Амалдаги (назорат) ва тавсия этилган катализаторлар бўйича олинган озиқа саломаслар таркибидаги транс-кислоталар миқдорининг ўзгариши 3-расмда кўрсатилган.



**3-расм. Оксидланган никел-мис катализаторларидаги никел миқдорига қараб саломаслар таркибидаги трансқислоталар (1-эгри) ва оксидланган маҳсулотлар(2-эгри) миқдорининг ўзгариши**



**4-расм. Никель-мис катализаторидаги никел миқдорига қараб саломасларнинг кислота (1-эгри чизик) ва анизидин (2-эгри чизик) сонларининг ўзгариши.**

3-расмдан кўриниб турибдики, оксидланган никель-мис катализаторларидаги никель улушкининг 0 дан 100% гача ортиши билан

саломаслардаги трансқислоталарнинг ҳосил бўлиши (1-эгри) чизиқли равища кўпаяди, олинаётган саломасларда оксидланиш маҳсулотларининг микдори (П.с.) 18 дан 5,5 ммоль/кг-гача камаяди.

Танланган катализаторларда олинган саломасларнинг кислота (к.с.) ва анизидин (а.с) сонларини ўрганишда тахминан худди шундай қонуниятлар аниқланди (4-расм).

4-расмдан кўриниб турибдики, оксидланган никель-мис катализатори таркибидаги никель улушининг ошиши билан саломасларнинг кислота сони (1-эгри чизик) 1,3 дан 2,8 мг КОН/г гача ортади. Худди шу қонуният, қиймати 1,0 дан 5,0 шарт.б. га кўпаядиган, анизидин сони (2-эгри чизик) учун ҳам кузатилди. Буни, тўйинмаган ёғ кислоталарини гидрогенлаш учун асосий металл бўлган никельни мис билан таққослаганда, эркин ёғ кислотлари ҳосил қилиб триацилглицеридларни кучли парчалаши билан изоҳлаш мумкин. Саломасларнинг анизидин сонининг ошиши оксидланган мисли катализатор таркибидаги никельни кўпайтириш йўли билан унинг гидрогенлаш фаоллигини ошиши ҳисобига содир бўлади.

Юқорида тавсифланган усул асосида биз 220-240°C ҳароратда озиқа саломасларни олдик. Тажрибалар ўсимлик мойлари ва ёғларини гидрогенлашнинг лаборатория қурилмасида металларнинг ўзаро нисбати 1:1 бўлган дисперс (кукунсимон) катализаторларда ўтказилди (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

#### **Амалдаги (назорат) ва тавсия этилган усуллар билан олинган рафинацияланмаган озиқа саломасларининг кўрсаткичлари**

Озиқа саломасини олиш усули	Озиқа саломаси физик-кимёвий кўрсаткичлари				
	К.с., мг КОН/г	Т <sub>эр</sub> , °C	Қаттиқлиги, Каминский бўйича, 15°C да	Транс- кислоталар, %	П, %
Рафинацияланган пахта мойи	0,3	-	-	-	-
Пахта пальмитини	0,2	21,5	75,0	-	-
ПМ ва пальмитин аралашмасидан олинган саломас, аралашма нисбати: 9:1 7:3 5:5	0,4 0,3 0,2	36,7 36,0 35,8	310 300 280	30,1 27,3 21,5	90 93 98
Анъанавий усул билан олинган саломас	0,5	36,8	318	38,3	-

1-жадвалдан кўриниб турибдики, гидрогенланган рафинацияланган пахта мойи таркибига пальмитин қўшилиши натижасида ҳосил бўлган саломасларнинг ёғ кислотаси таркибини тўйинган пальмитин кислотаси билан бойитишга имкон беради, шу туфайли транс кислоталар ва оксидланиш маҳсулотларининг ҳосил бўлиши қисман камаяди. Бу, олинадиган саломаслардаги триацилглицеридлар ацилларида ёғ кислоталарни гидрогенлаш ва қайта тақсимлаш (переэтерификациялаш) жараёнларининг жадаллашиши ҳисобига содир бўлади. Албатта, бундай усул маргарин ишлаб чиқариш учун ёғли асоснинг органолептик, реологик ва бошқа хусусиятларини уларнинг эриш

ҳарорати ва қаттиқлигини (Каминский бўйича 15°Сда) камайтириш орқали ошириш имконини беради.

Тавсия этилган ва амалдаги (назорат) технологиялар бўйича олинган озиқа саломасларининг таҳлилларини ўтказдик (2-жадвал).

## 2-жадвал

### **Маълум (назорат) ва тавсия этилган усуслар билан олинган озиқа саломасларнинг триацилглициерид (ТАГ) таркиби ва заарли моддаларнинг микдори**

Озиқа саломасини олиш усули	Озиқа саломасининг физик-кимёвий кўрсаткичлари							
	Микдори, г/кг да		Оксидланган маҳсулотлар		ТАГ таркиби, %			
	никель	мис	П.с., ммоль О/кг	А.с., шт.б.	П <sub>3</sub>	П <sub>2Н</sub>	ПН <sub>2</sub>	Н <sub>3</sub>
ПМ ва пальмитин аралаш- масидан олинган саломас, аралашма нисбати: 9:1 7:3 5:5	0,9 0,8 0,6	0,8 0,7 0,6	15,3 14,6 12,2	3,2 1,8 1,1	5 7 10	32 38 45	48 43 36	15 12 9
Анъанавий усул билан олинган саломас	1,1	1,0	21,2	4,5	13	42	38	7

2-жадвалдан кўринадики, бошлиғич рафинацияланган пахта мойи таркибига пальмитин қўшилиши билан олинадиган саломасларда заарли моддаларнинг микдори жиддий ўзгаради, яъни уларнинг микдори рафинацияланган пахта мойининг тўйинган пальмитин фракциясини қўшилиши ҳисобига камаяди. Бундан ташқари, ушбу ўзгариш, олинаётган саломасларнинг ТАГ таркибини шаклланишида ҳам акс этади. Масалан, пальмитинни пахта мойи таркибига 50% гача киритиш натижасида олинаётган саломас таркибидаги учтўйинган (П<sub>3</sub>) ёғ кислоталарининг микдори 5 дан 10% гача ортади, аксинча, учтўйинмаган (Н<sub>3</sub>) ёғ кислоталарининг микдори тўйинган ёғ кислоталарининг тўйинмаганларга нисбатини ўзгариши туфайли, 15 дан 9% гача камаяди.

Маълумки, гидрогенланган саломаслар озиқ-овқат мақсадларида ишлатилишидан олдин рафинацияланган, яъни заарли токсик моддалар йўқотилган, бўлиши керак. Шуни инобатга олган ҳолда, биз анъанавий каустик сода ва тавсия этилган натрий силикатларни кўллаб турли ўсимлик мойларидан олинган саломасларнинг ҳамроҳ ТАГ моддаларининг микдорини тадқиқ қилдик(3-жадвал).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, пахта мойидан олинган саломасларда оч рангли ўсимлик мойлари (соя, кунгабоқар ва маҳсар)дан олинадиган саломасларга қараганда кўпроқ ҳамроҳ ТАГ моддалар мавжуд. Бундан ташқари, энг токсик моддалар(СЁК, госсипол ва унинг ҳосилалари, совунланмайдиган моддалар ва никелнинг қолдиқ микдори) пахта ва соя мойларида кўпроқ қолади. Кунгабоқар ва маҳсар мойлари (биринчи нав)дан олинган саломасларда уларнинг микдори нисбатан кам бўлади.

### З-жадвал

**Анъанавий каустик сода ва тавсия этилган натрий силикатни қўллаб турли ўсимлик мойларидан олинган саломаслардаги ҳамроҳ ТАГ моддаларнинг асосий миқдорининг ўзгаришлари**

Саломаслар номи	Ҳамроҳ ТАГ моддаларнинг миқдори, %						
	СЁК	Фосфо-липидлар	Токоферол, мг/кг	Каротиноид	Госсипол ва унинг хосилалари	Совунланмайдиган моддалар	Никель, мг/кг
<b>NaOH сувли эритмаси (назорат) С=150 г/л (ортик. 100%)</b>							
Пахта	0,24	0,21	135	0,001	0,0006	0,62	0,42
Соя	0,18	0,23	190	0,002	-	0,67	0,37
Кунгабоқар	0,20	0,17	85	0,004	-	0,54	0,32
Махсар	0,23	0,19	110	0,006	-	0,60	0,35
<b>mNa<sub>2</sub>SiO<sub>3</sub>·nH<sub>2</sub>O сувли эритмаси С=150 г/л (ортик. 100%)</b>							
Пахта	0,14	0,43	185	0,002	0,0008	0,64	0,30
Соя	0,08	0,40	240	0,004	-	0,62	0,28
Кунгабоқар	0,10	0,36	140	0,005	-	0,48	0,24
Махсар	0,12	0,38	150	0,007	-	0,52	0,27
<b>mNa<sub>2</sub>SiO<sub>3</sub>·nH<sub>2</sub>O сувли эритмаси С=100 г/л (ортик. 50%)</b>							
Пахта	0,19	0,47	210	0,003	0,0009	0,68	0,34
Соя	0,14	0,43	275	0,004	-	0,65	0,30
Кунгабоқар	0,16	0,38	170	0,006	-	0,56	0,27
Махсар	0,18	0,42	160	0,008	-	0,60	0,29

Бинобарин, турли хил маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган саломасларни амалдаги ( $\text{NaOH}$ ) ва тавсия қилинаётган ( $\text{mNa}_2\text{SiO}_3\cdot\text{nH}_2\text{O}$ ) реагентларда ишқорий рафинациялашдан олдин ва кейин уларнинг таркибидаги ҳамроҳ ТАГ моддаларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, олинаётган маргариннинг ёғли асоси таркибида бир қатор токсик ва канцероген моддалар қолади. Уларни, каустик сода ўрнига натрий силикатнинг сувли эритмасидан фойдаланиб, селектив ажратиб олиш мумкин.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, фильтрловчи материаллар ва гил минераллари рамали фильтр-прессларда биргаликда ишлатилади, чунки улар ажратиладиган моддаларнингмаълум миқдорини ушлаб қолади.

Бугунги кунда рамали фильтр прессларда анъанавий бельтинг матосини индивидуал равишда қўллаш олинадиган саломасларнинг сифатини етарлича таъминлай олмайди, яъни уларни маргарин ишлаб чиқаришда фойдаланиш яхши самара бермайди. Шуни инобатга олган ҳолда, биз маргарин саноати учун озиқа саломасларини тозалашда ҳар иккала турдаги фильтр материалларидан фойдаланганмиз. Тадқиқот натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвалдан қўриниб турибдики, тавсия этилаётган лавсан ва флезелинсинтетик материаллари саломасларни никель қолдиқлари, бирламчи оксидланиш маҳсулотлари, эркин ёғ кислоталари ва бошқалардан яхшироқ фильтрлайди. Синтетик матоларни (лавсан ва флезелин) гил минераллари билан биргаликда ишлатиш никель катализатори қолдиқларини, СЁК, бирламчи

оксидланиш маҳсулотларини олинадиган озиқа саломасларидан яхшироқ ажратилишини таъминлайди.

#### 4-жадвал

### Саломаснинг ҳамроҳ моддаларининг қолдиқ микдорини фильтрловчи мато ва маҳаллий гил минералларининг тури ва микдорига қараб ўзгариши

Материаллар номи		Гил минераллар микдори, г/м <sup>2</sup>	Фильтрлаш тезлиги, л/м <sup>2</sup> ·соат	Саломасдаги ҳамроҳ моддаларнинг қолдиқ микдори		
Фильтрловчи мато	Гил минераллар			Никель, мг/кг	СЁК, %	Бирламчи оксидланиш маҳсулотлари, ммоль О/кг
Бельтинг (назорат)	-	-	-	1,3	1,8	11,2
Бельтинг	Ангрен кони каолини	900	285	0,8	1,5	9,0
Лавсан		800	300	0,75	1,4	8,7
Флезелин		700	320	0,6	1,3	8,5
Бельтинг	Шўрсув кони гидро-слюдали гили	600	330	0,9	1,3	10,5
Лавсан		500	350	0,8	1,2	9,8
Флезелин		400	365	0,75	1,0	9,3
Бельтинг	Навбаҳор кони карбонатли палигорскити	800	320	0,6	1,6	10,0
Лавсан		700	345	0,55	1,4	9,6
Флезелин		600	360	0,5	1,2	9,2
Бельтинг	Навбаҳор кони ишқорли бентонит	1000	255	0,5	1,2	8,5
Лавсан		900	270	0,43	1,0	8,2
Флезелин		800	280	0,38	0,9	7,8
Бельтинг	Навбаҳор кони ишқорли тупроқ бентонити	1200	190	0,6	1,3	8,0
Лавсан		1100	210	0,53	1,1	7,6
Флезелин		1000	225	0,47	1,0	7,3

Бинобарин, ўтказилган тадқиқотлар, саломасларни ажратиш учун фильтрпрессларда ишлатиладиган фильтрловчи материаллар ва гил минералларнинг етарлича самарали эмас ва қиммат деб хулоса қилишимизга олиб келади. Шу боис, уларни маҳаллий хомашёлар билан алмаштириш юқоридаги камчиликларни бартараф этишга ва шу билан бирга олинадиган маргаринларнинг сифати ҳамда озуқавий хавфсизлигини таъминлашга имкон беради.

Биз анъанавий ва тавсия этилаётган усулларда "Сутли" маргарин олиш учун унинг рецептларини ўрганиб чиқдик. 5-жадвалда маргариндаги ушбу компонентларнинг асосий таркиби кўрсатилган.

5-жадвалдан кўринибтурибдики, тавсия этилган усулга кўра саломас микдори 20% га камаяди, кунгабоқар мойи ва сариёғ микдори мос равища 15 ва 5%га кўпаяди.

Шу тариқа, қайд этиш лозимки, "Сутли" маргаринни ишлаб чиқариш бўйича тавсия этилган усул ёғ маҳсулотларининг рақобатбардошлик


талабларига түлиқ мос келади. Шу боис уни маргарин саноатида қўллаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва озукавий хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

## 5-жадвал

### Анъанавий ва тавсия этилган усуллар билан олинган маргарин компонентларининг массавий улушлари

Ёғдорлиги 82% бўлган маргарин компонентларининг номи	Маргарин компонентларининг массавий улуси, %	
	Анъанавий усул бўйича	Тавсия этилган усул бўйича
1 марка озиқа саломаслари	62,0	42,0
Кунгабоқар мойи	15,0	30,0
Сарёғ	5,0	10,0
Сигир сути, табиий	7,0	7,0
Қанд	0,5	0,5
Ош тузи	0,5	0,5
Бўёқлар	0,1	0,2
Эмульгаторлар	0,3	0,5
Ароматизаторлар	0,05	0,055
Сув	9,55	9,245

Диссертациянинг "Саломасларни рақобатбардош маргаринларни олиш билан рафинациялашнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқиши" деб номлаган тўртинчи бобида озиқа саломасларини ишқорий рафинациялаш ва уларни фильтрлашнинг технологик схемаси ва режимлари, уларнинг "Урганч ёғ-мой" АЖдаги саноат-тажриба синовлари натижалари ва мазкур ишни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш натижалари келтирилган.



1-аралаштиргич; 2,10,12-насос; 3,8-реактор-турбулизатор; 4-нейтрализатор; 5-ишқор учун сифим; 6-кўриш ойнаси; 7-соапсток учун йигич; 9-сув учун сифим; 11-саломас учун фильтр.

**5-расм. Маргарин олишда қўлланадиган озиқа саломасларини ишқорий рафинациялаш ва фильтрлаш учун тажриба-синов қурилмаси.**

Биз маргарин олишда қўлланадиган озиқа саломасини ишқорли рафинациялаш ва фильтрлаш бўйича тажриба-синов қурилмаси таёrlадик.

5-расмда ушбу тажриба-синов қурилмасининг технологик схемаси кўрсатилган. Анъанавий ( $\text{NaOH}$ ) ва тавсия этилган ( $\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) ишқорий реагентлар ёрдамида саломасларни ишқорий рафинациялаш жараёнининг технологик режим меъёрлари 6-жадвалда кўрсатилган.

#### 6-жадвал

**Тавсия этилган фильтр материаллари, анъанавий ( $\text{NaOH}$ ) ва тавсия этилган ( $\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) ишқорий реагентлардан фойдаланган ҳолда озиқа саломасларини ишқорий рафинациялаш ҳамда фильтрлаш жараёнларининг технологик режим меъёрлари**

Технологик кўрсаткичларнинг номлари	Ўлчов бир.	Технологик режимларнинг анъанавий кўрсаткичлари	Технологик режимларнинг тавсия этилган кўрсаткичлари
Рафинацияланмаган саломас сарфи	кг/соат	500	500
Рафинацияланмаган саломас ҳарорати	°C	55-65	40-45
Саломасни ишқор эритмаси билан аралаштириш ҳарорати	°C	45-50	38-40
Ишқор эритмасининг концентрацияси	г/л	180-200	75-120
Ишқор эритмасининг ортиқча миқдори	%	200	25-50
Саломасни нейтрализаторда аралаштириш	айл/мин	75-100	25-50
Нейтраллаш вақти	мин	60-90	30-60
Рафинацияланган саломаснинг кислота сони	мг КОН/г	0,4-0,5	0,2-0,3
Соапстокдаги нейтрал ёғ миқдори	%	25-30	20
Ювиш учун қўлланадиган сувнинг ҳарорати	°C	70-75	40-45
Саломасдаги ювиш учун қўлланадиган сувнинг улуши	%	40-45	30-35
Ювиш учун қўлланадиган сув билан саломас аралашмасини рециркуляциялаш тезлиги	айл/мин	30-35	20-25
Рафинацияланган саломасни қуритиш ҳарорати	°C	90-95	80-85
Рафинацияланган саломасдаги намликнинг қолдик миқдори	%	0,2	0,1
Рамали фильтр-прессдаги босим	МПа	0,3-0,4	0,2-0,3
Дезодорацияга юборилаётган саломаснинг ҳарорати	°C	75-85	60-65

Биз лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида саломаслардаги мавжуд бўлган эркин ёғ кислоталарининг нейтралланишини ўргандик. Бунинг учун фаоллиги ва соапстокларнинг натрий тузларини ҳосил қилиши бўйича бир-биридан кучли фарқ қиласидиган икки хил ишқорий реагентларни ( $\text{NaOH}$  ва  $n\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot m\text{H}_2\text{O}$ ) танлаб олинди. Бунда  $\text{NaOH}$  ва  $n\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot m\text{H}_2\text{O}$  нинг сувли


эритмаларини қўллаб саломасларни қиёсий рафинациялаш амалга оширилди. Тажрибалар 50-55 °C ҳароратда ва ишқор билан саломас аралашмасини 75 айл/мин тезлиқда аралаштирган холатда олиб борилди. Саноат-тажриба синовларининг натижалари 7-жадвалда келтирилган.

### 7-жадвал

#### Нейтралланган саломасларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларининг ишқор концентрацияси ва ортиқча микдорига қараб ўзгариши


Ишқорий реагент номи	Ишқорнинг сувли эритмасининг концентрацияси ик/л	Ишқорнинг ортиқча микдори, %	Нейтралланган саломасларнинг кўрсаткичлари		
			Кислота сони, мг КОН/г	Катализатор микдори, мг/кг	Саломас чиқиши, %
Каустик сода (NaOH) (назорат)	200,0	50	0,9	0,09	91,5
	150,0	100	0,5	0,07	95,4
Натрий силикат ( $n\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot m\text{H}_2\text{O}$ )	150	75	0,3	0,08	96,7
	125	25	0,4	0,06	97,3
	100	50	0,6	0,04	98,0

7-жадвалдан кўриниб турибдики, ишқор эритмаси табиатининг ўзгариши билан нейтралланган саломаснинг физик-кимёвий кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгармокда. Бунда, сувли эритма концентрациясининг ошиши ушбу ишқорнинг микдорини камайтиришни тақозо этади, бу эса ҳосил бўлган озиқа саломасининг чиқишига ижобий таъсир кўрсатади.



а-бельтинг; б-лавсан; в-металл тўр;  
г-флезелин.

**6-расм. Турли хил фильтрловчи материалларда озиқа саломасларини фильтрланиш унумдорликларининг диаграммаси.**



**7-расм. Озиқа саломасларининг ажралиш унумдорлигини уларнинг фильтрланиш вақти ва фильтрловчи материалнинг турига қараб ўзгариши**

Кейинги тажрибаларда, биз саломасларнинг фильтрлаш кўрсаткичларини фильтрловчи материаллар(флезелин, лавсан ва б.)нинг турига қараб ўзгаришини ўрганиб чиқдик. Турли хил фильтрловчи материалларда озиқа


саломасларини фильтрланиш унумдорликларининг ўзгариш диаграммаси 6-расмда келтирилган.

6-расмдан кўриниб турибдики, фильтрловчи тўсиқнинг табиати ўзгарганда, озиқа саломасининг фильтрланиш унумдорликлари сезиларли даражада ўзгаради. Улардан энг самаралиси нотўқима синтетик материал - флезелин ( $340 \text{ л}/\text{м}^2 \cdot \text{соат}$ ) ва аксинча, бельтинг энг самарасизи ҳисобланади ( $170 \text{ л}/\text{м}^2 \cdot \text{соат}$ ).

Маълумки, саломасни фильтрлаш жараёни унинг давомийлигига боғлиқ. Шу сабабли биз ушбу боғлиқликни «Урганч ёғ-мой» АЖда тажриба-ишлаб чиқариш шароитида тадқиқ этдик. Олинган натижалар 7-расмда келтирилган.

7-расмдан кўриниб турибдики, 240 мин давомида фильтрлаш пайтида озиқа саломасининг энг юқори фильтрлаш кўрсаткичи нотўқима синтетик флезелин, ундан кейин лавсан, металл тўр ва паҳтали қоғоз бельтингидан фойдаланганда кузатилади. Бу, саломасларнинг қаттиқ қолдиқлари (металл катализаторлар, қатронлар, мумлар ва б.) ни анъанавий бельтингга қараганда унчалик зич бўлмаган материалларда осонроқ ажралиши билан тушунтирилади (ГОСТ 332-91).

Фильтрлаш материалларнинг иккинчи бир муҳим қатлами табий гил минераллари (каолин, бентонит, гидрослюда ва бошқалар) ҳисобланади. Ушбу моддаларнинг фильтрлаш унумдорликларини аниқлаштириш учун биз ушбу гил минералларда озиқа саломасини фильтрлаш бўйича саноат-тажриба синовларини ўтказдик. Олинган натижалар 8-расмда келтирилган.



а-каолин; б-гидрослюда; в-палигорскит; г-ишқорли бентонит; д-ишқорли тупроқ бентонит

#### **8-расм. Озиқа саломасларини ҳар хил табиатдаги гил минералларда фильтрлаш унумдорлигининг диаграммаси**

8-расмдан кўриниб турибдики, каолин фойдаланганда энг яхши дренаж зонаси ҳосил бўлади ва ундан кейин гидрослюдалигил, ишқорли палигорскит, ишқорли тупроқ бентонитларида кузатилади. Буни, дисперс-гил минералларининг дисперслик, ғоваклилик, солишишима юзаси ва бошқа кўрсаткичлари билан тушунтирилиши мумкин.

## ХУЛОСА

1. Дисперс никель-мис катализаторларини переэтерификациялаш фаоллигини ошириш билан бойитилган кислород ҳаво оқимида оксидлаш мумкинлиги аниқланган.
2. Ёғ ва мойларнинг оксидланган дисперс никель-мис катализаторларида оптимал алоқа никель ва мис миқдори 50:50 бўлиши кераклигини аниқланган.
3. Юқори сифатли озиқа саломасларини олиш учун ўсимлик мойлари ва ёғлар аралашмасини ишлаб чиқилган дисперс никель-мис катализаторларида гидрогенлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.
4. Ўсимлик мойларининг пальмитин билан аралашмасини ишлаб чиқилган дисперс никель-мис катализаторлари иштирокида гидрогенлаш орқали транс-кислоталар миқдори минимал даражада бўлган озиқа саломасини олиш усули ишлаб чиқилган.
5. Турли хил маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган саломасларни анъанавий ( $\text{NaOH}$ ) ва тавсия этилган ( $n\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot m\text{H}_2\text{O}$ ) реагентлар биланишқорли рафинациялашдан олдин ва кейинулардан олинадиган маргариннинг ёғли асосларида бир қатор токсик ва канцероген моддалар қолиши аниқланган ҳамда уларни анъанавий каустик сода ўрнига натрий силикатнинг сувли эритмасини қўллаш билан рафинациялаш мумкинлиги исботланган.
6. Турли мақсадда ишлатиладиган маргаринларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган саломасларни олишда дастлабки ўсимлик мойларининг ёғ кислоталарининг ўрни кўрсатилган. Таъкидлаш лозимки, паст калорияли маргаринларни ишлаб чиқариш учун тўйинган ёғ кислоталари, айниқса стеарин ( $\text{C}_{18:0}$ ) кислотаси, миқдори кам бўлган, қаттиқ маргаринларни олиш учун эса тўйинган ёғ кислоталари ( $\text{C}_{16:0}$  ва  $\text{C}_{18:0}$ ) кўп бўлган саломасларни ишлатиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.
7. Маҳаллий синтетик материаллар ва гил минераллар саломасларни фильтрлаш кўрсаткичлари, нархи ва сифати жиҳатидан ушбу жараённи амалга оширишда қўлланиладиган импорт аналогларидан устун эканлиги аниқланган.
8. Композиция таркибида дренажли гил минералларининг мавжудлиги фильтрланган озиқа саломаслари таркибидаги никель-мис катализатори қолдиқларини, эркин ёғ кислоталарини, бирламчи ва иккиламчи оксидланиш маҳсулотларини камайтириш имконини берган.
9. Озиқа саломасларини ишлаб чиқилган усулларда олиш, натрий силикатнинг сувли эритмаси ёрдамида рафинациялаш ҳамда синтетик ва маҳаллий гил минералларда фильтрлашларни қўллаб уларни олиш ва фильтрлаш жараёнларининг технологик схемаси ва режимлари ишлаб чиқилган.
10. Лаборатория тадқиқотлари натижаларининг адекватлилиги "Урганч ёғ-мой" АЖда саноат-тажриба синовларини ўтказиш ва уларни ЭҲМ да статистик қайта ишлаш орқали исботланган. Рақобатбардош маргаринларни олиш учун озиқа саломасларини ишқорий рафинациялаш ва фильтрлаш бўйича ишлаб чиқилган технологияларни жорий этишдан кутиладиган иқтисодий самарадорлик йилига 433,0 млн сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**  
**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

---

**АЧИЛОВА САНОБАР САБИРОВНА**

**СОВРЕМЕННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ПРОЦЕССА  
РАФИНАЦИИ САЛОМАСА С ПОЛУЧЕНИЕМ  
КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ МАРГАРИНОВ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/T1069.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного Совета ([ik-kimyo.psu.uz](http://ik-kimyo.psu.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель: Рузибаев Акбарали Турсунбаевич  
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Исабаев Исмоил Бабаджанович  
доктор технических наук, профессор  
Юнусов Обиджон Қодирович  
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «2» 12 2021 г. в «9:00» часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за №29). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «11» 11 2021 г.  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «11» 11 2021 г.).



С.М.Туробжонов

Председатель Научного Совета по присуждению  
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров

Учёный секретарь Научного Совета по  
присуждению учёной степени доктора наук,  
д.т.н., профессор

К.О.Додаев

Председатель Научного семинара при Научном  
Совете по присуждению учёной степени доктора  
наук, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня производство маргарина в мире путем периодической и непрерывной гидрогенизации растительных масел в дисперсных никелевых катализаторах увеличивается с каждым годом. В то же время важно усовершенствовать процесс насыщения водородом растительных масел, производство саломасов свободных от транс-изомеров, продуктов первичного и вторичного окисления, веществ с токсическими и канцерогенными свойствами.

В мире известен ряд способов рафинации саломасов, используемых в пищевых продуктах путем их дистилляции или химической щелочной нейтрализации свободных жирных кислот, продуктов окисления, диеновых соединений и др. При этом, саломасы проходят через дренажные слои, состоящие из синтетических фильтрующих материалов и глинисто-угольных минералов и особое внимание уделяется максимальному удалению металлических катализаторов путем их выведения вместе с соапстоком и фильтрацией через специальный слой фильтровальных материалов.

В Республике достигнуты определенные научно-практические результаты в области повышения качества саломасов для производства маргаринов путем применения современных технических средств, фильтровальных материалов местного производства. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрен: «подъем промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, к дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска новых видов продукции и технологий»<sup>2</sup>. В связи с этим, научное исследование по разработке современной технологии процесса рафинации саломаса с получением конкурентоспособных маргаринов считается актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям развития в 2017-2021 годах», № ПП-4118 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью», постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №251 от 29 августа 2015 года «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения Республики Узбекистан на 2015-2020 годы», а также в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

---

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

**Степень изученности проблемы.** Для эффективного производства саломасов для пищевых целей ведутся специальные исследования по глубокому изучению состава и свойств сырья, получаемых саломасов и остатков в нем различных канцерогенных веществ (продукты окисления, изомеризации и т.п.) и данными вопросами занимались S.Lio, A.Kaufman, A.Rozali, Б.Н.Тютюнников, А.Г.Сергеев, Н.Л.Меламуд, Д.В.Соколский, К.А.Жубанов, А.И.Глушенкова, А.Л.Маркман, А.А.Абдурахимов, Ю.К.Кодиров, С.А.Абдурахимов, К.Х.Мажидов, И.Б.Исабаев и др.

Они предложили исследования по созданию новых типов катализаторов гидрогенизации растительных масел, использование саломаса, хлопкового пальмитата, переэтерифицированных масел, пальмового, подсолнечного и хлопкового масел для улучшения рецептуры маргарина, углубленное изучение свойств различных канцерогенов в саломасах. Разработаны технологии производства маргариновых жиров на основе рафинации гидрированных саломасов.

А в настоящее время, проводятся исследования по рафинированию саломасов, совершенствованию технологии гидрирования растительных масел в высокодисперсных никелевых катализаторах, получению саломас изомеров, продуктов первичного и вторичного окисления, свободных от токсичных и канцерогенных веществ.

